

Мавлуда ХОДЖАЕВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
кафедра мудири, техника фанлари
номзоди, доцент

БУХОРО ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ ОБИДА ВА МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАРИНИ ЎРГАНИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мақола Бухоро шаҳрининг тарихий Обида ва қадамжоларини Web технология ва андроид платформасида яратилган мобил илова дастурий ишланмаларига бағишланган бўлиб, унда тарихий обида ва муқаддас қадамжолар ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган. Шунингдек, дастурда зиёратгоҳлар кидирув тизими ишлаб чиқилган.

“Замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айлантириш бугунги кун талабидир. Замонавий янги информацион технологияларнинг ривожланиш тараққиётига эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради”. Ш.Мирзиеёв 24 январ 2020 й. (Олий Мажлисга Мурожаатномаси)

Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш

борасида бошлаган ишларини жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида 2020 йилга **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”**, деб ном берилди.

Ўзбекистоннинг бой тарихи, бетакрор табиати, қадим ўтмишидан сўзловчи гўзал обидалари, ўзбек ошхонасининг ранг-баранглиги, миллий таомларимизнинг бетакрор мазаси чет эллик сайёҳлар меҳрини қозонишга улгура олган. Юртимизда ҳар бир воҳа ўзининг урф-одати, яшаш тарзи, тарихи билан бир-биридан фарқ қилиб, бу омил нафақат ташқи, балки ички туризмнинг ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистон тарихий қадамжоларининг кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакатдан бири саналади. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби бетакрор шаҳарларимиз бутун дунёда машҳур.

Ўзбекистон маданияти, санъати ва адабиёти, мамлакатимиздаги мавжуд меъморий ва тарихий ёдгорликлар, ЮНЕСКО бутун жаҳон

маданий мероси объектларининг ёрқин намуналари тўғрисидаги ахборотни хорижий аудитория ўртасида тарғиб этишдан иборат.


Ҳозирда олиб борилаётган маънавий, маърифий, илмий ва тарихий меросларимизни англаш, уларни тиклаш, чуқур тадқиқ қилиш, тадқиқот натижаларини амалга жорий этишда бир неча инновацион лойиҳалар, дастурий ишланмалар яратилиб келинмоқда. “Зиёрат туризмнинг геолокацион, информацион тарғибот қилувчи Android платформаси”, “Марказий Осиёлик мутакаллим олимларнинг илмий мероси” мультимедиа интерактив қўлланмаси, “Ўзбекистон буюк алломалар юрти” виртуал дастурий ишланмаси Андроид тизимида “Ўрта Осиё олимлари” қомуси мобил иловалари, Бухородаги зиёратгоҳлар Web сайтини оптималлаштириш (Naqshband tiu.uz зиёратгоҳи мисолида), “Етти пир” андроид платформасидаги мобил иловалар дастурий ишланмалар шулар жумласидандир.

2020 йил Бухоро шаҳри ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорликлари, хусусан, Бухоро вилоятининг тарихий обидалари, ёдгорликлари, асори-атиқалари дунёга танитиш, келажак авлодга ўз асл ҳолатида кўрсатиш мақсадида янги иновацион ечимлардан фойдаланилган ҳолда Бухородаги зиёратгоҳлар Web сайтини оптималлаштириш (Naqshband tiu.uz зиёратгоҳи мисолида), “Етти пир” андроид платформасидаги мобил иловалар номли дастурий ишланмалар ишлаб чиқилди.

Мазкур дастурий ишланмалар Бухоро шаҳрининг тарихий обида ва муқаддас қадамжоларига бағишланган бўлиб, фойдаланувчи Бухоро ҳақидаги маълумотлардан тўлиқ хабардор бўлади, ҳамда ўз саёҳатини дастурдаги хариталар ёрдамида амалга ошириши мумкин бўлади. Бу эса Ўзбекистон зиёратгоҳларини миллий туризм фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, саёҳатга келувчиларни зиёратгоҳлар билан таништириш ҳамда зиёратгоҳлар ҳақидаги маълумотларни аниқ ва тўғрилигини таъминлашни ўз ичига олади.


“Етти пир зиёратгоҳи веб сайти” номли дастурий ишланма замонавий дастурлаш тили ҳисобланган Yii2 framework ёрдамида ишлаб чиқилган бўлиб, барча долзарб талабларга жавоб беради.

“Етти пир” зиёратгоҳи сайтини яратишда, даставвал, сайт контентига оид бўлган маълумотлар тўпланди ва сайт структураси тузиб чиқилди. Унга кўра, сайт менюлари ишлаб чиқилган ва улар: мажмуага оид ҳукумат қарорлари, янгиликлари, илмий мақолалар, мажмуа ҳақида, зиёрат қоида ва одоблари, кутубхона, расмлар, видеотека, меҳмонхонадан иборат.



1-расм. “Етти пир” сайтининг бош саҳифаси

Шунингдек, сайтдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Етти пир зиёратгоҳи харитаси, виртуал саёҳат (3D), кутубхона, расмлар мажмуаси ва видеолар тўплами, Бухородаги меҳмонхоналар манзиллари, кидирув тизими ва сайт харитаси ҳам ишлаб чиқилди.



2-расм . “Етти пир” сайтидаги зиёратгоҳлар харитаси

Кейинги тақдим этилаётган электрон маҳсулот “Зиёрат туризми” андроид платформасидаги мобиль иловаси бўлиб, ушбу мобиль иловада фойдаланувчи Бухоро вилоятининг диний, тарихий, маданий зиёратгоҳларини кўриши, Ўзбекистоннинг бой маданий, маънавий, илмий жиҳатларини “Зиёрат туризми” мобиль иловаси орқали ўрганиши мумкин.

Мазкур лойиҳа мобил илова андроид платформасида ишлайди. Мазкур иловада Етти Пир ¹зиёратгоҳига бориш йўлини кўрсатиб берувчи ва зиёратгоҳ ҳақида маълумот берувчи of-line гитлар келтирилган.



3-расм. “Зиёрат туризми” мобил иловаси кўриниши.

Дастурий ишланмаларни яратишда замонавий янги ахборот технологияларидан фойдаланишга сайтни мобиль қурилмаларда ишлашини таъминлашга эътибор қаратилди. APP Inventor 2 дастурий таъминоти HTML5, CSS3, JQuery (JS), PHP5.6 лардан фойдаланилди. Замонавий дизайн қоидаларга кўра “framework”лардан бири Yii2 framework ишлатилди, HTML5 нинг CANVAS элементларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг бой қадимий меросларини дастурий таъминотда туризм саноатини ривожлантириш, иқтисодиётнинг тез ўсишини таъминлашда унинг ролини ошириш ва шу орқали янги иш ўринларини яратиш, дунё бозорида миллий туристик маҳсулот салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилувчи ташкилий шароитлар яратилмоқда. Мазкур фаолият шак-шубҳасиз миллий туризм соҳасини ахборот билан таъминлаш, туристик операторлар учун замонавий ахборот технологиялари ечимлари ва компьютер дастурларини ишлаб чиқиш, ахборот бозори субъектларига уйғунлашган ҳолда ишлаш, жумладан, халқаро миқёсда мамлакатимизнинг ҳақиқий имиджини шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади, яратилган дастурий ишланмалар бугунги миллий контентимизни диний соҳадаги ва туризмга оид бўлган манбаларни ошишига хизмат қилади.

¹ <http://xs.uz/uz/post/etti-pir-ziyorati-ozbekistonning-yan-gi-sajyohlik-jonalishi>